

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



IJTIMOIIY FANLAR
SOCIAL STUDIES

UDK: 94(575.146)(075.8)

АМИР ҲАЙДАР ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИ

Karimov Navro‘zbek

Navoiy davlat universiteti tayanch doktoranti

navruzbeek9@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0001-1194-8898>

Tel: +998 99 384 19 93

Аннотатсия: Ушбу мақола Амир Ҳайдар даврида Бухоро амирлигининг ички ва ташқи сиёсатида юз берган жараёнлар, XIX аср бошларида амирликнинг ўз қўшилари Хива ва Қўқон хонликлари ҳамда Россия билан муносабатлар тарихига бағишланади.

Калит сўзлар: Марв, хитой-кипчоқлар, Динносирбек, Элтузархон, Ёрлақаббий, Ниёзбек парвоначи, Миёнқол, 1821-1825-йиллар, элчилик алоқалари.

ВНУТРЕННЯЯ И ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА ПРИ АМИРЕ ХАЙДАРЕ

Аннотация: Данная статья посвящена внутри-и внешнеполитическим процессам Бухарского эмирата в период правления Амира Хайдара, истории отношений эмирата с соседями Хивинским и Коканским ханствами и Россией в начале XIX века.

Ключевые слова: Марв, китайцы-кипчаки, Динносирбек, Элтузархан, Ёрлақабби, летчик Ниёзбек, Миёнколь, 1821-1825 годы, посольские отношения.

DOMESTIC AND FOREIGN POLICY OF BUKHARA EMIRATE DURING AMIR HAYDAR

Abstract: This article is devoted to the processes that took place in the internal and foreign policy of the Bukhara Emirate during the reign of Amir Haidar, the history of the relations of the emirate with its neighbors, the Khiva and Kokand Khanates, and Russia at the beginning of the 19th century.

Keywords: Merv, Chinese-Kipchaks, Dinnosirbek, Eltuzarkhan, Yorlaqabbii, Niyozbek Parvonachi, Miyonqol, 1821-1825, embassy relations.

КИРИШ

Амир Ҳайдар даврида Бухоро амирлигининг ички ва ташқи сиёсатида мураккаб сиёсий жараёнлар содир бўлади. Бу сиёсий вазиятларнинг издан чиқиши мамлакатнинг кўплаб ҳудудларида марказий ҳокимиятга қарши норозилик ҳаракатлари содир бўлишига олиб келди. Бундан ташқари қўшни давлатлар билан ҳам муносабатлар кескинлашади. Амир Ҳайдар бундай мураккаб жараёнларга алоҳида эътибор беришга ва уларни бартараф этишга мажбур бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Амир Ҳайдарнинг ҳукмронлиги даврида (1800-1826) Бухоро амирлигига унинг асосий ҳудудидан (Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари) ташқари Туркменистоннинг шарқий қисми, Амир Шохмурод юришлари натижасида эгалланган Марв шаҳри, ҳозирги Афғонистоннинг бир қисми ҳамда Тожикистоннинг қатор туманлари – Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент, Ургут ва Зарафшоннинг юқори томонларидаги кичик тоғли ўлкалар ҳам қарашли бўлган. Шунингдек, Бухоронинг шимолий-шарқида жойлашган Туркистон шаҳри ҳам унинг қозоқ туманлари билан биргаликда амирликка тегишли эди⁷⁵.

Амир Ҳайдар даврида мамлакатдаги тинчлик сиёсати, амирнинг илм-фан соҳасини ривожлантиришга эътибор бериши айрим вилоят амирларининг ва баъзи амалдорларнинг ғашини келтирарди. Бу эса уларнинг мамлакатдаги осойишталик вазиятларга раҳна солишига, сиёсий инқирозларни келтириб чиқаришига сабаб бўларди. Бу ҳақида Аҳмад Дониш ўзининг асарида шундай маълумот беради: “Унинг уламоларга илтифоти ва инояти юқорилиги амирнинг ғашига тегарди. Подшодан ортиқча маош ва совғалар олиш учун элатларни унга қарши кўзғатиб турар эдилар. Чунки ҳамма жойда тинчлик бўлса, подшо ҳеч вақт хонақоҳ ва мадрасадан ташқарига чиқмас, уламолардан бошқаларга илтифот қилмас эди. Шунинг учун ҳар уч ой, олти ойда гоҳ у вилоятда, гоҳ бу вилоятда исён уюштириб амирни бу ҳудудларга аскар тортишга ундар эдилар. Шу тариқа, қўшимча маош ва танҳо(икто) олар эдилар”⁷⁶.

Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлиги даврида дастлаб ички душманларга қарши кураш олиб боради. Шахрисабз, Самарқанд, Ургут бекликларида бўлиб ўтган ғалаёнлар, Марв воҳаси учун Хива хонлиги билан олиб борилган урушлар Амир Ҳайдарни давлатда ҳарбий-сиёсий ислохотлар ўтказишга мажбур қилади.

Бу даврда қўшни давлат ҳукмдорлари ҳам амирликнинг сиёсий аҳволини оғирлаштиришга ҳам ҳаракат қилади. Амир Ҳайдар даврида 1800 йилда Марв туркманлари ўлпон йиғиш сиёсатидан норози бўлиб кўзғолон кўтардилар. Амир Ҳайдар қаттиққўллик билан бу кўзғолонни бостиради. Бироқ Марвликлар 1804 йилда яна бош кўтардилар. Бу сафар кўзғолонга амирнинг укаси Дин Носирбек бошчилик қилади. Бу

⁷⁵ Ю.Шукуруллаев, Б.Ражабов “Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш(1756-1920 йиллар)”- Бухоро: “Дурдона”нашриёти, 2019. –Б 27.

⁷⁶ Аҳмад Дониш. “Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2014. –Б 30.

исёнга Хива хони Элтузархон ҳам аралашади. Бу ҳақида олим Қ. Ражабов ўзининг мақоласида шундай ёзади: “Марв ҳокими Дин Носирбек Хива хони Элтузархон қутқусига учиб, акасига қарши бош кўтарди(1804) ва мағлубиятга учради”⁷⁷. Амир Ҳайдар учун укасининг исёни ниҳоятда хавфли ҳолат эди. Чунки бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйсунмаслиги эмас, балки расмий сулола вакилининг муҳолифатда бўлган хиваликлар билан тил бириктириб, олий ҳокимиятга қарши кўтарган исёни эди. Шунинг учун ҳам Амир Ҳайдар Марв кўзғалонини бостириш чорасини кўради. Амир Ҳайдар Марв воҳасини сув билан таъминлаб турган Султонбанд тўғонини буздиради. Натижада бир неча вақт сувсиз қолдирилган Марв аҳолиси жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Шу тариқа бу кўзғалон ҳам бостирилди. Бу ҳақида Мирзо Салимбек ўзининг “Кашкўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин” асарида ёзади: “Дин Носирбек ибн амир Маъсум Марвдан турт минг лашкар билан Чоржуй устига келиб амир Ҳайдар ун минг баходирга Ниёзбек парвоначини бошлик, килиб юборди. Бориб жанг килиб, икки минг киши Дин Носирбек лашкаридан халок булди, бошқалар таслим булдилар. Парвоначи Дин Носирнинг оркасидан тақиб килиб, Марвгача бориб, Марвдаги Султон бандини (туғонни) бузиб, кайтди. Марвдаги экинлар сувсизликдан куриб қолди. Бир минг икки юз йигирма биринчи йилда хижрийда Дин Носирбек билан ахли аёли Махшадга бориб жойлашдилар. Марвда турт йил ҳоким йук эди. Амир Ҳайдар туркманлардан икки юз хонадонни Марвга кучириб, уларнинг бошликлари Ёрлақаб бийни Марвга ҳоким килиб тайинлади”⁷⁸.

Бухорога қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Ҳайдар ҳукмронлигини заифлаштириш мақсадида унинг сарой аёнлари ва вилоят ҳокимлари, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига турли вадалар бериб, уларнинг ўзаро тотувлигига путур етказишга интилганлар. Масалан: Марв вилояти ҳокими ва Амир Ҳайдарнинг укаси Динносирбек (Дин Носирбек, Носириддин) Хоразм хони Элтузархон (1804—1806) қутқусига учиб, 1804-йили акасига қарши бош кўтаради. Марказий ҳокимиятга қарши исён кўтарган Динносирбек 4 минг аскар билан Марвдан чиқиб, Чоржўйга келганида Амир Ҳайдар унга қарши Ниёзбек парвоначини 10 минг кишилиқ қўшинга қўмондон килиб жўнатган. Динносирбек мағлубиятга учраб, ахли аёли билан аввал Марвга, сўнгра Машҳадга (Эронга) — Фатҳ Алишоҳ (1797-1834) ҳузурига қочган. Ниёзбек парвоначи Марвни эгаллаб, Банди Султон тўғонини буздириб, 1806-йили Бухорога қайтган⁷⁹.

Амир Ҳайдар туркманлардан 200 оилани Марвга кўчириб, уларнинг юлбошчиси Ёрлақаббийни Марвга ҳоким қилиб тайинлаган. Шу аснода Хоразм хони қўшинларининг Бухоро амирли сарҳадларига, ҳатто, мамалакат ичкарасига уюштирган талончилик ҳужумлари кучайган. Хоразм хони Элтузархон бир неча марта Бухорога ҳарбий

⁷⁷ Ражабов Қ. Амир Ҳайдар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 11.-Тошкент: ЎзМЕ Давлат илмий нашриёти, 2005.276-бет.

⁷⁸ Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форс-тожик тилидан ўзбекчага доцент Нарзулло Йўлдошев ўгирган. - Бухоро: “Бухоро”, 2003. 294-бет.

⁷⁹ Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд Амири Саййид // “Бухоро мавжлари”, 2006. №2 .- Б. 41.

босқинлар уюштирган. Ана шундай юришларнинг бирида Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг кишилик Бухоро қўшинидан Хоразм қўшини мағлубиятга учратган. Элтузархон мағлубиятдан кейин Амударёдан қочиб ўтаётганда дарёга ғарқ бўлиб ўлган. Элтузархоннинг 3 биродари ва кўплаб хоразмликлар асир тушишган.

XIX асрда Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар характери турли сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ эди. Марв ва Шимолий Хуросондаги айрим вилоятларнинг қўлдан-қўлга ўтиб туриши, бир-бирига мухолиф бўлган турли туркман уруғларининг ўзаро зиддиятлари, шунингдек, карвон йўлларида Бухоро ва Хива савдогарларининг таланган молларини қайтариш юзасидан келиб чиққан можаролар икки хонлик ўртасидаги муносабатларга кўп ҳолларда путур етказган⁸⁰.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Амирликнинг якин қўшни давлатлар: Хива ва Қўқон хонликлари билан муносабатлар ҳудудий низолар туфайли йахши бўлмасада Амир Ҳайдар дипломатик алоқаларни қайта тиклашга ва ривожлантиришга муайян даражада ҳаракат қилган. Хусусан, у Хива хони Муҳаммад Раҳимхон олдига ўзининг икки элчисини вакил қилиб юборади. Ўроқбой Жура ва Аваз Муҳаммад Ясовулбоши бошчилигидаги мазкур элчилик Бухоро-Хива муносабатларини қайта тикланиши ва ўзаро алоқаларнинг яхшиланишида муҳим рол ўйнайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки Амир Ҳайдар даврида Россия билан муносабатлар масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Бухоро амирлиги амир Ҳайдарнинг оқилона сиёсати туфайли ташки сиёсатда мустақил равишда тенг ҳуқуқли давлат сифатида тан олинганлиги ўз навбатида, Россия ва бошқа давлатлар учун амирлик билан кейинги ташки сиёсий алоқаларда алоҳида аҳамият касб этган эди.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ю.Шукуриллаев, Б.Ражабов “Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш(1756-1920 йиллар)”- Бухоро: “Дурдона”нашриёти, 2019. –Б 27.
2. Аҳмад Дониш. “Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқасча тарихи” таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2014. –Б 30.
3. Ражабов Қ. Амир Ҳайдар //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 11.- Тошкент: ЎзМЕ Давлат илмий нашриёти, 2005.276-бет.
4. Мирзо Салимбек. Кашқўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форс-тожик тилидан ўзбекчага доцент Нарзулло Йўлдошев ўтирган. - Бухоро: “Бухоро”,2003. 294-бет.
5. Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд Амири Саййид // “Бухоро мавжлари”, 2006. №2 .- Б. 41.

⁸⁰ Ўзбекистон тарихи (Ўзбекистон дипломатияси тарихи). VII жилд. Таҳрир хайъати раиси: А.Аскарлов – Тошкент: Маънавият, 2022. - Б. 229.

6. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан таржима, таржимон номидан
7. сўзбоши ва айрим изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев. – Бухоро: “Бухоро”, 2004.43-бет.
8. История Узбекистана (XVI-первая половина XIX века) / Отв. ред. Д.А.Алимова; АН РУз, Ин-т истории. – Т.: Фан, 2012. -190 с.
9. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: “Шарқ”, 2001.283-бет.
10. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). I жилд. Таҳрир ҳайъати раиси: А.Асқаров – Тошкент: Маънавият, 2022. - Б. 261-262.
11. Ж.М.Шодиев. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ҳ.Б.Бобоев. – Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 45.
12. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Россия дипломатия алоқаларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент, 1999. - № 9. – Б.122.
13. Маннонов Б.С. XIX аср бошларидаги Бухоронинг халқаро вазиятига оид саёҳатномалар // Инсониятнинг маданий мероси – учинчи минг йилликка” Бухоро ва Хива 2500 йил: Халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.49
14. Маннонов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2003. – Б.191.
15. Ўзбекистон тарихи (Ўзбекистон дипломатияси тарихи). VII жилд. Таҳрир ҳайъати раиси: А.Асқаров – Тошкент: Маънавият, 2022. - Б. 229.